

**Қодирова Ферузахон Усмановна,**  
Тошкент вилояти ХТХҚТМОХМ “Мактабгача,  
бошланғич, махсус таълим методикалари”  
кафедраси доценти, п.ф.н.

## МЕТОДИК КЛАСТЕР ЗАМОНАВИЙ МАКТАБДА СОҒЛОМ РАҚОБАТ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

УДК: 371.912/ 362.23

---

### **ҚОДИРОВА Ф.У. МЕТОДИК КЛАСТЕР ЗАМОНАВИЙ МАКТАБДА СОҒЛОМ РАҚОБАТ ВОСИТАСИ СИФАТИДА**

Ушбу мақолада умумтаълим ва махсус таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга таъсир этувчи методик хизматни инновацион ёндашувлар асосида ташкил этиш бўйича тавсиялар келтирилган. Хусусан, “Методик кластер” инновацион ёндашувни татбиқ этишнинг мазмуни ва босқичлари баён этилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: таълим, ўқитиш, метод, жараён, сифат, ўқитувчи, технология, методик хизмат.

---

### **КОДИРОВА Ф.У. МЕТОДИЧЕСКИЙ КЛАСТЕР КАК СРЕДСТВО ЗДОРОВОЙ КОНКУРЕНЦИИ В СОВРЕМЕННОЙ ШКОЛЕ**

В статье приведены рекомендации по организации методической службы, которая воздействует на повышение качества образования в общеобразовательных и специальных учреждениях. В частности, изложены содержание и этапы применения инновационного подхода “Методический кластер”.

Ключевые слова и понятия: образование, обучение, метод, процесс, учитель, технология, методическая служба.

---

### **KODIROVA F.U. METHODOICAL CLUSTER - A LEVEL OF HEALTHY COMPETITION IN A MODERN SCHOOL**

In the article is provided recommendations for the organization of methodological services on the basis of innovative approaches that affect the quality of education in general and special education institutions. In particular, the content and stages of implementation of the innovative approach «Methodical Cluster» are described.

Key words and concepts: education, teaching, method, process, quality, teacher, technology, methodical service.

**Кириш.** Ўзбекистоннинг янги қиёфаси ҳар томонлама жаҳон стандартлари асосида янгиланмоқда. Давлатнинг нечоғлик ривожланганлиги унда мавжуд мактабларнинг сифати, мазмунан такомил ва битирувчилар билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйилувчи ижтимоий буюртма кўлами билан ҳам тавсифланади. Айниқса, мактаб ўқитувчиларининг мавқеи, уларга ижод қилиш имкониятининг демократик тамойилларга асосланганлиги ёшларнинг ахборот замонидаги меҳнат бозорига самарали тайёр бўлишлари учун муҳим омиллардандир.

**Мақоладан мақсад:** методик хизматни мақсадли ташкил этиш орқали ўқув жараёнига таъсирини оптималлаштириш, ўқитувчилар методик фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали йўли- “Методик кластер” нинг моҳиятини амалий жиҳатдан очиш ва кенг тарғиб қилиш.

**Таълим муассасаларда методик хизмат самарадорлигини оширишга** таъсир этувчи омиллар хусусида қатор олимлар, жумладан, Ж.Юлдашев, Р.Сафарова<sup>1</sup>, Ж.Толипова<sup>2</sup>, И. Макухина<sup>3</sup>, Р.Ишмухамедов ва М.Юлдашев<sup>4</sup> ва бошқалар амалиётга тавсиялар татбиқ этганлар. Ушбу тавсиялар асосан, таълим жараёнида ўқитувчиларнинг ижодқорлигини ошириш, интерфаол усуллардан фойдаланишни оммалаштириш, сифат ўлчовлари асосида дарс мақсадларини белгилашга ўргатиш, дидактик материалларни тайёрлашга қўйилувчи талабларни амалиётга методик хизмат орқали татбиқ этишга эришишга йўналтирилган.

**Мақоланинг янгилиги ва долзарблиги шундаки,** бугунги кунда таълим сифатини оширишда методик хизматни кучайтириш, унинг амалиётга хориж тажрибаларини татбиқ этиш, вариатив ёндашувларни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш масалаларига оид қатор ҳужжатларда кўзда тутилган вазифалар доирасида SMART (“Specific”, яъни ўзига хос, йўналиш моҳиятидан келиб чиққанлик, “Measurable”,

яъни натижалар аниқ индикаторларга эга-лиги, ўлчамлиги, “Attainable”, яъни реалликка йўналганлик, “Relevant”, яъни долзарб, амалиёт учун зарурлик, “Time-bound”, яъни муайян вақт оралиғида бажарилиши кутилган вазифаларнинг белгиланиши) тамойилларига асосланган “**Методик кластер**” инновацион ёндашув моҳиятини очиб бериш ва эришилган натижалар асосида тажриба майдонини яратишдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>5</sup> муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган.

**Мақола объекти сифатида** умумтаълим ва махсус таълим муассасаларида ўқитувчилар фаолиятини модернизациялаш ва самарали усул ва йўлларни аниқлаш ҳамда амалиётга манзилли ва тез фурсатда кенг татбиқ этиш жараёни танлаб олинди.

Кўзланган мақсад ва белгилаб олинган вазифаларни амалга оширишда иш тажрибалар ва манбаларни ўрганиш, кузатиш, тенг муносабатли сўров, натижаларни таҳлил қилиш ва тақдимот **усулларидан** фойдаланилди.

Умумий ўрта ва махсус таълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш асосан инновацион таълим муҳитида шаклланади ва такомиллашади. Бунда энг аввало, таълим муассасасининг ижтимоий буюртма талабларига асосланган мақсади ва вазифаларини ўқитувчилардаги касбий мотивация билан уйғунлаштириш, ўзгаришларга мослаштиришга йўналтирилган режаларни татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Шу боис, биз томондан амалиётга татбиқ этилаётган “**Методик кластер**” айнан ўқитувчиларни ижод қилишга, ўзгарувчан вазиятларга тез ва самарали мослашишга тайёрлайди.

**Методик кластер мақсади** фанларни ўқитишда қўлланилувчи методларнинг ўзаро

<sup>1</sup> Юлдашев Ж.Ф., С.А.Усмонов. Педагогик технология асослари. –Т.: Ўқитувчи, 2004. 101 б., 7-б.

<sup>2</sup> Толипова Ж.О. Педагогик квалиметрия. Ўқув қўлланма. –Т.: 2017. 20-б.

<sup>3</sup> Макухина И.В. Педагогические условия интеграции областей знания при формировании понятий о целостного мира. Автореф. дисс. к.п.н. –Т.: 2005. 23 б.

<sup>4</sup> Ишмухамедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион технологиялар. Т.: “Ниҳол”, 2013. -275 б.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т.: 2017. – Б. 39.

интеграциялашувига эришиш, уларнинг вариацияларини ишлаб чиқишга ўқитувчиларни тайёрлаш, амалиётчиларда педагогик импровизация кўникмаларини интенсив шакллантириш орқали новатор ўқитувчилар сафини кенгайтиришдан иборат.

Методик кластер босқичлари:

1. Муассасада илғор ва тажрибали новатор ўқитувчилар мавжудлиги ўрганилади. Бунда ўз фанини яхши биладиган, амалиётда АКТ дан, хусусан интернет хизматларидан самарали фойдаланадиган, ўқувчиларининг ўзлаштириш рейтинги баланд, республика ОАВларида турли шакллардаги фаолият асосида қатнашадиган, ҳамкорликка очиқ, коммуникативлиги юқори, мослашувчан, юриш-туришида (содда, ораста, замонавий) ўз имижига эга, ўқувчилар ва ота-оналар ҳурматига сазовор бўлган юксак инсоний фазилатларга эга ўқитувчилар рўйхати тузилади.

2. Метод бирлашмалар иш режасининг таҳлили амалга оширилади. Бунда режанинг мазмунида фанларни ўқитишда қўлланилувчи методларнинг оммалашишига, айнан ҳар бир метод ёки технологиянинг номи кўрсатилган ҳолда эътибор берилгани, масъул ўқитувчиларнинг мос танлангани, ёш ўқитувчиларга ёрдамнинг акс этгани ўрганилади.

3. Малака ошириш курсларидан қайтган ўқитувчилар учун "Методик кластер" бурчагида жой ажратиш. Бунда ҳар бир малака ошириш курсларидан қайтиб, фаолият бошлаган ўқитувчилар ўрганиб келган янги метод ва технологиянинг мазмуни ёритилган папкани тайёрлайди. Ушбу босқич ўта муҳим ҳисобланади. Чунки бу босқич кластернинг бошланғич нуқтасидир. Янги методнинг амалиётга татбиқ этилишини таъминловчи қадамдир. Энг муҳими ўқитувчи метод ёки технологиянинг матнли кўринишинигина эмас, балки ўқув топшириқли тарқатмалари билан тайёрланиши талаб этилади. Аксинча бўлса, яна доимгидек, ўрганиб келинган метод семинар ёки йиғилишда иштирок этганлар-тинглаганлар учун "**ахборот учун қабул қилинади**" холос. Шунингдек, ушбу босқичда ўқитувчиларнинг ўзаро давра суҳбати ёки "Мастер класс" дақиқалари ўтказилади. Натижада малака ошириш курсларида ўрганилган методнинг янгилиги ёки қайсидир технологиянинг вариацияси эканлиги таҳлил этилади.

4. Ҳар бир ўқитувчи метод ёки технологиянинг ўз фанига мослашишини ўзаро ўртоқлашади. Яъни "**Имитацион машқ**" прогноз дақиқасини ўтказилади. Имитацион дақиқада ўқитувчиларнинг фаоллиги ва вазиятга киришиб кетганлиги қараб, ушбу методнинг муайян фанни ўқитишда қўллашга мос ёки мос эмаслиги таҳлил этилади.

5. **Бирламчи синов босқичи.** Ўқитувчи методни дарсларда қўллайди. Олинган натижаларни таҳлил қилади.

6. **Коррекцион-адаптация босқичи.** Ўқитувчи илк синов натижалари асосида метод ёки технологияга маълум ўзгартиришлар киритади ва қўллайди. Ўқитувчида янги ғоялар пайдо бўлади ва новаторлик даражасига кўтарилади. Натижада методик кластернинг кейинги босқичига ўтилади.

7. **Трансформацион босқич.** Метод ёки технология шакли, техникаси, мазмуни ўзгарган ҳолда янги қиёфани олади.

Методик кластер асосан ўқитувчини ўз устида ишлашга ундайди. Бунда энг муҳими кластер лидери ёки унинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи педагог зиммасига катта масъулият юкланади. Чунки у жамоани бошқара олиши лозим. Бунинг учун унинг ўзи ҳам бир қанча методлар ва технологиялар ресурси ҳамда муаллифлигидаги янги ёндашувларга (метод, технология, дидактик воситаларга) эга бўлиши талаб этилади.

Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази "Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим методикалари" кафедрасининг профессор-ўқитувчилари томонидан "Малака оширишдан кейинги курс самарадорлигини ўрганиш" тажриба-синов ишлари мунтазам олиб борилмоқда. Ҳудуддаги бир қанча мактабларнинг фаолияти ўрганилганда, малака ошириш курсларидан қайтган ва фаолиятини давом эттираётган ўқитувчиларнинг курс ҳақидаги фикр-мулоҳазалари мақсадли ўрганилмаганлиги, таҳлил этилмаганлиги кузатилди. **Ушбу ҳолатнинг сабаблари қуйидагилар:**

1. Айрим мактабларда ўқитувчилар "Сен менга тегма-мен сенга тегмайман" ёки "ҳамма нарса бир маромда кетмоқда, нимага керак ўзгартириш", "нега мунча куюнасиш, кимга керак шунча ҳаракатингиз", "тарқатмаларни тайёр-

лашга кимнинг вақти ва нақди бор”, “сизда компьютер бор бўлса, менда йўқ” каби муносабатлар қуршовида қолиб кетмоқдалар.

2. Мактаб раҳбарларининг ўзларида янгиликка интилишнинг сустиги, таълим сифатига беъэтиборлиги.

3. Ўқитувчиларда ўз устида ишлаш мотивациясининг сустиги. Фанини билиш билангина чекланиб қолганлиги.

4. Ёш ўқитувчиларга методик ёрдамнинг мақсадли ташкил этилмаётганлиги.

5. Методик ишларнинг ҳисобот учунгина олиб борилаётганлиги.

Санаб ўтилган муаммолар “Малака оширишдан кейинги курс самарадорлигини ўрганиш” бўйича тажриба-синов ишларини ўтказиш методикаси мазмунидаги қатор методлар орқали аниқланди. Улар:

**1. Ўқитувчилар билан суҳбат.** Суҳбат асосан, жойларда ўқитувчилар билан бевосита давра суҳбати асосида ўтказилди.

**2. Савол-жавоб.** Курсга келган тингловчилар билан “Координатор соати” машғулотида ҳамда “Малака иши ҳимояси” жараёнидаги савол-жавоблар орқали ўрганилди.

**3. Анкета.** Махсус анкеталар тайёрланди. Анкеталарда қуйидаги саволлар акс этган: амалиётга қайси ўрганган усул ёки технологияни татбиқ этдингиз?, курсдан қайтганингиздан сўнг семинар ёки давра суҳбати ташкил этилдимми?, сизга тажрибалар билан ўртоқлашингиз учун қандай йўл тутилди?, малака ошириш курсидан қайтган ўқитувчидан нимани ўргандингиз?, муаллифлигингизда метод ва ёки технология мавжудми? ва бошқа.

**4. “Методик кластер”** ни жорий этиш бўйича тажриба-синов ишлари нафақат мактаблардаги муҳитни, балки малака ошириш курслари мазмунини ҳам такомиллаштиришга туртки бўлди. Чунки жавоблар орасида “...эски методларни тавсия қилишди, ўша қўлланилганига 10 йилдан ошиб кетган методлар “Балиқ скелети”, “Венн диаграммаси”, “Тушунчалар таҳлили”, “6 та қалпоқ”, “Ақлий ҳужум”, “Синквейн”, “ФСМУ”, “SWOT таҳлил” кабилар санаб ўтилиб, улардан айримларининг умуман бошланғич синфларга мос эмаслиги билдирилган. Бундан “...ўқитувчиларнинг ўқитувчиси ҳам ўз устида ишлашига вақт келди, ҳатто кеч ҳам қолган” деган хулоса келиб чиқади.

Ўқитувчилар орасида ўз касбини севувчи (ёшдан қатъий назар), янгиликка интилувчан, замон билан ҳамнафас бориш йўлида янги методларга “ташна”, ҳозирги замон боласи кўз ўнгида “кумир”, “авторитет” бўлишга қодир амалиётчиларнинг борлиги қувонарлидир. Тажриба-синов ишлари орқали мана шундай ўқитувчилар учун муассасанинг ўзида, вақтни ва масофани тежарган ҳолда **“Методик кластер”**ни йўлга қўйиш керак деган хулосага келинди. Методик кластер ўқитувчилар ўртасида, жамоада соғлом рақобатни юзага келтиради. Бундан ташқари методик кластер малака ошириш курсларини мазмунан доғмалиқдан, “...технология бу ўзгармас, қандай бўлса, шундай қўлланг” деган муносабатдан йироқлаштиради.

#### **Амалий тавсиялар қуйидагилар:**

1. Ижодкор ўқитувчиларнинг инновацион ғояларини мунтазам ўрганиш ва тўплаш, рўйхатини тузиш, туркумларга саралаш ҳамда “Тажрибалар менюси” (амалиётчилар рўйхат ва видео жамламалардан кўриб, ўзига керагини танлайди) ни тузиш.

2. Муассаса раҳбарияти ходимлари агар ўзларида методистлик сифатларини етарли деб ҳисобламасалар (аксарияти кучли менежер, уддабурон ташкилотчи, тажрибали маслаҳатчи бўлсаларда...), дарс таҳлилини тор доирада кўздан кечириб, бир томонлама фикр беришдан қочишга ўрганишлари лозим. Бу ўринда ўқитувчиларнинг ўз-ўзини баҳолаш маданиятига устуворлик бериш тавсия этилади.

3. Инновацион ғоя ёки метод самара бермаса, ўқитувчиларда мотивация сусайишининг олдини олиш, аксинча, тадқиқотчилик фаолиятига янада ундаш чораларини кўриш. Бунинг учун ўқитувчилар ўртасида тенг муносабатли тажриба муҳитини яратиш ва тажрибаларнинг мувофиқлашувига эришиш тавсия этилади.

**Хулоса** ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўқитувчиларга ижод қилишга имкон бериш керак, улар учун янгиликларни ўзлаштиришга қулай шароитлар яратиш керак, ҳар хил текширишлар орқали мотивациясини сўндириш керак эмас, энг муҳими, уларга “... менга вақт беринг, ўрганиб оламан, бунга қодирман” деган чақирғига лаббай дея жавоб бериш лозим.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами.
2. Розов Н. С. Глобальный интеллект: Перспективы интеграции научного, философского и практического мышления//Сб. тезисов Международного Конгресса ЮНЕСКО «Образование и наука на пороге третьего тысячелетия». - Новосибирск, 1995.
3. Тайлоқов У.Н, Тайлоқов Г. Ахборотлашган таълим муҳити-ўқитиш самарадорлигини ошириш воситаси сифатида. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: 2014. – 22 б.
4. Хуторской А. В. Развитие одаренности школьников: Методика продуктивного обучения. - М.: 2016. - С. 66.